

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1 июлдан  
ЧИҚА БОШЛАГАН.

• № 85 (5. 976) • 1986 йил 12 апрель, шанба • Баҳоси 3 тийин.

## КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросида

10 апрель куни КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев мажлисда сўзга чиқиб, Куйбисhev ва Тольятти шаҳарларига қилган сафарида, меҳнаткашлар, партия-хўжалик активи билан учрашувлардан олган таассуротларини таъриф берди. Сийёсий бюро ана шу учрашувлар вақтида жамиятнинг социалистик ривожлантиришнинг жадаллаштириш, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида ишлаб чиқаришнинг реконструкциялаш, капитал қурилиш сифатини яхшилаш ва унинг суруятларини ошириш, социал проблемаларни, айниқса, меҳнаткашларнинг уй-жойлар, медицина ҳамда болалар муассасалари билан таъминлаш проблемасини сабот билан ҳал этиш борасида ўртага қўйилган масалаларнинг муҳимлигини қайд этиб ўтди. КПСС XXVII съезди қарорларини рўйбга чиқариш борасидаги амалий ишларни кучайтириб бориш зарурлиги, бу ишда дабдабозлик, шовқин-сурон ва мажнубчиликка йўл қўйиб бўлмаслиги уқитириб ўтди. Ушшоқлик ва интизом, тўла самара билан ишлаш, барча ходимларнинг ташаббускорлиги ва масъулиятини юксак даражада ҳис этиши — партия ре-

жаларини, съезд қарорларини амалга оширишнинг асосий шартидир. Сийёсий бюро мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни такомиллаштиришнинг КПСС XXVII съезди йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Сийёсий бюро халқ хўжалигининг барча тармоқлари, илм-фан ва маданиятнинг ҳамма соҳалари учун малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида совет олий ва ўрта махсус мактаби катта иш қилганлигини қайд этиш билан бирга кейинги вақтларда бу ишда қўлоқлик юз бераятганлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Таълим ва тарбия даражаси мамлакатнинг социалистик ривожлантиришнинг жадаллаштириш, фан ва техника ютуқларини тез ўзлаштириш вазифаларига тўлиқ мос келмаётгани. Бу эса экономикага, бутун жамиятнинг шитоб билан ривожланишига узоқ муддатли таъсир ўтказишнинг гоёат муҳим омил бўлиши олий ва ўрта махсус таълимнинг ролини ошириши талаб этади. Шу мақсадда мутахассислар тайёрлаш, тарбиялаш ва улардан фойдаланишни тубдан яхшилаш, таълим, ишлаб чиқариш ва фанни интеллигентларнинг кучайтириш, илмий кадрлар ва илмий педагог кадрларнинг сифат составини яхшилаш, ўқув

юртларининг техника билан таъминлаш даражасини ошириш мўлжалламоқда. Олий ўқув юртларини ўтказадиган илмий тадқиқотлар ва лойиҳаларнинг миқёсларини анча кенгайтириш, мамлакатда олий ва ўрта таълимни бошқаришда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрига ролини ошириш, ўқув юртларининг ҳуқуқлари ва масъулиятини кучайтириш назарда тутилмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатда концерт фаолиятини янада яхшилаш тўғрисида қарори қабул қилинди. Бу қарорнинг репертуарининг гоёат янги-бадий савиясини ва ижро этиш сифатини ошириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ижрочиларнинг профессионал жиҳатдан тайёрлаш яхшилаш, концерт ташкилотларининг моддий-техника базасини мустақамлаш ҳамда меҳнаткашларни эстетик руҳда тарбиялашда музика санъатининг ролини кучайтириш борасида маъна шу ташкилотлар фаолиятини доир бошқа масалаларни ҳал этиш мақсадини қўзғайди.

Сийёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг ФРЕЛИМО партияси Рамси, Мозамбик Халқ Республикаси Президенти С. Машеле билан учрашуви ҳамда Совет—Мозамбик музокараларининг якунларини маъқуллади. Мозамбик халқининг империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши адолатли кураши билан бирдамлик, КПСС билан ФРЕЛИМО партияси, Совет Иттифоқи билан Мозамбик Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада чуқурлаштириш мудоаоси таъкидланди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Австрия республикаси федерал канцлери Ф. Зинвал билан ўтказган суҳбати натижалари қўриб чиқилди. Совет—Австрия муносабатларининг ривожланишидан мамнуният ҳамда бу муносабатларнинг ҳар иккала мамлакат манфаатлари, Европада ва бутун дунёда давлатларнинг тинч ҳамкорлиги манфаатлари йўлида кенгайтириб боришга тайёрлик изҳор қилинди. Ўртоқ Н. И. Рижковнинг Болгария Коммунистик партияси XIII съезди ишида КПСС делегациясининг иштироки, делегациянинг ўртоқ Т. Живков ва Болгариянинг бошқа раҳбарлари билан ўтказган суҳбатлари тўғрисидаги ахбороти тингланди. Сийёсий бюро делегациянинг фаолиятини маъқуллади, КПСС билан БКПнинг, Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси-

нинг дўстлиги ва ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлигини, уларнинг марксизм-ленинизм ҳамда социалистик интернационализм принциплари асосидаги сийёсий ва гоёат бирлигини бундан бундан ҳам мустақамлашга бўлган азму қарорини таъкидлади. Сийёсий бюро иқтисодий, савдо-сотиқ ва илмий-техникавий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи Совет—Хитой комиссияси биринчи мажлисининг якунларини қўриб чиқиб, СССР билан ХХР ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларининг ўсиб бораётганлиги уларнинг бошқа соҳалардаги муносабатларини ҳам яхшилашга қўмақлашди, бу эса иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади, деб таъкидлади. КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси мамлакатнинг социалистик ривожлантиришнинг жадаллаштиришга оид ҳамда партия ва давлатнинг совет халқи бунёдкор меҳнати учун зарур шарт-шароитларни яратишга, бутун инсониятнинг тинч келажагини таъминлашга қаратилган ташқи сийёсий йўлини рўйбга чиқариш вазифаларини амалда ҳал этишга тааллуқли бошқа бир қанча масалаларни ҳам муҳокама қилди.



### 1. Коинотни забт этган инсон

Коинотни биринчи бўлиб забт этган Юрий Алексеевич Гагариннинг тарихий парвози чексиз фазони тинч парвози парда ўзлаштириш бўлиб берди. Совет космонавтикаси эндиликда инсониятнинг энг эзгу мақсади—жапон барқарор тинчлик бўлиши учун хизмат қилмоқда. Биринчи космонавтининг тинчлик йўли бўлиши керак.

### «Кетдик!...»

Юрий Алексеевич Гагариннинг тарихий парвозига чорак аср тўлди. Биз бугун оқшомхонлар эътиборига 1961 йилнинг 12 апрель куни газета ва китобларда эълон қилинган ҳаяжонли мақолалардан парчаларни ҳавола қилмоқдамиз.

Сергей Павлович КОРОЛЕВ:

— Ўз ҳаётимда мен жуда кўп ажойиб одамларни кўрганман. Гагарин эса алоҳида, тақдорланмас шахс сифатида мен учун қадрлидир. Стартга тайёргарлик кетаётган кунларда ҳамманинг кўнглида ҳавотир, ҳаяжон жўш урган, ташвишлар ўйлангириб қўйган лаҳзаларда фақатгина у — Гагарингина ўзини тутиб юрар, жуда қувноқ эди... «Намунча ҳадеб кулаверасан!» — сўрадим мен ундан. «Билмадим. Балки номакат одамдирман». Мен эса қани энди дунёда шундай «номакат одамлар» кўпроқ бўлса... дея ўйлардим.

Юрий ГАГАРИН:

— Албатта мен ҳаяжонлайдим. Бундай лаҳзаларда ва бундай ҳолатда фақат роботларгина ҳаяжонланмаслиги мумкин. Шу билан бир қаторда парвознинг муваффақиятли тугашига, олим ва техникларимиз ҳавотирини тасдиқловчи бирор қори-ҳўл рўй бермаслигига ишончим қиммат эди. Ракетанинг скафандр, асбобларининг, Ер билан алоқанинг, шунингдек, оқшомхон сифатида ҳамма-ҳаммасининг олий тақомилга ишончим қиммат эди. Бинобарин менга ҳам ишониларди. Шунинг учун буларнинг барчаси «космик парвозга тайёр» эканлигини билдирарди.

ТАСС баёнотида:


1961 йилнинг 12 апрелида Совет Иттифоқида жаҳонда биринчи «Восток» космик кемаси бортида одам билан Ер атрофи орбитасига чиқарилди. Бу космонавт-учувчи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг граждани учувчи майор Юрий Алексеевич Гагариндир.

Мариятта ШАГИНЯН, Ўзбекистон:

— Қаттиқ ҳис-ҳаяжонлар, тинимсиз олқишлар билан ҳам рўй берган буюк воқеани ифодалаб бўлмайди. Биринчи акс садолар сўзсиз ва самимий эди: одамлар кўчаларда бир-бирини қучоқлар, ёш-қарининг мунаввар кўзларидан секин-секин ёшларни туниларди.

Хорс РИХТЕР, немис журналисти:

— Дрезденда Нострада майдонида радиоканайлар орқали Москвадан хабарлар берилганида кўчадаги трамвайлар тўхтаб қолди. Ҳайдовчилар, йўловчилар беизб диктат-этибдор билан дикторнинг овозига қўлоқ солишарди. Студентлар бу хабарларни зудлик билан дафтарларига кўчириб олишар, бир-бирларига таъриф беришарди. Одамлар бир-бирини қаттиқ қучоқлар, ҳамманинг кайфияти аъло даражада эди.



О. Холиқов чизган плакат.

## ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА СИФАТ—БЕШ ЙИЛЛИК ШИОРИ

19 апрель—Бутуниттифок коммунистик шанбалик кун

### Меҳнат байрамига тайёргарлик

● КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК-КА РОППА-РОСА БИР ҲАФТА ҚОЛДИ ● ЖОЙЛАРДА МЕХНАТ БАЙРАМИГА ТАЙЕРГАРЛИКНИ ТЕКШИРИШ УЧУН ВАҚТ БОР ● БАРЧА ТЕЖАЛГАН МАБЛАҒЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, ИШ ЖОЙЛАРИДА ЭНГ ЮКСАК УНУМДОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЛОЗИМ.

Бугун шаҳарнинг бир қатор корхоналари ва ташкилотларида «қизил шанбалик»ни ўтказиш бўйича штаб йиғилишлари бўлиб ўтди. Москвадаги илгор саноат корхоналарининг апрелнинг учинчи шанбасида коммунистик шанбалик ўтказиш, ишлаб топилган ҳақни беш йиллик фондига топишириш бўйича бошлаган ташаббуси тошкентликлар гомонидан кенг қўллаб-қувватланди. Шаҳримиздаги тепловоз-ремонт заводи «Ташсельмаш» заводи, тўқимачилик комбинати, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номили тикчиллик ишлари чикариш билан боғлиқ, Ўзбекистон ССР қурилиш министрига 4-қурилиш трести, 1-уёсозлик комбинати, 2502-автокотлонна ва бошқа коллективлар меҳнат байрами кунин бутун кун ва имкониятларни ишга солиб, гайрат билан меҳнат қилажакларини изҳор этишарди.

«Буюк Почин» анъаналарига содиқ бўлган тошкентликлар меҳнат байрамига фол тайёргарлик қўришати, кўплаб ишчилар, брига-

### Ташаббускорлик ва масъулият руҳида

Мамлакатимизнинг социалистик тараққиётини жадаллаштириш — партияимизнинг XXVII съезди белгилаб берган стратегия йўлидир. Бунинг туғилган стратегияси деб атаймиз. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Тольятти шаҳри меҳнаткашлари билан учрашувда туб бурлиш стратегиясининг моҳияти ва аҳамиятини жуда аниқ равшан баён этиб берди. «Сўнгги йилларда амалий ҳаракатдаги собиқачилик еттишмади, — деб таъкидлади у. — Бу ҳақда съезде айтилди, мен бутун шуни аниқ тақдирламоқчиман... Кенг ошқорлаш, таъкид ва ўз-ўзини таъкид, таъсирчан контролнинг йўлини салбий ҳодисаларнинг ўз вақтида очиб ташлаш, етган проблемаларни кескин қилиб қўйиш ҳамда олга қараб ҳаракат қилишимизга ҳалақит бераётган барча янгиликлар ва прогрессив нарсалар йўлга қўйиб бўлаётган салбий ҳодиса-

ларга қарши қатъий кураш олиб боришга имкон бермади». Шунинг учун ҳам ҳамма нарсани ўз номи билан атаган партияимиз XXVII съездининг очик-равшан иши, ҳозирги замоннинг энг актуал проблемаларини юксак масъулият билан муҳокама қилганлиги, унда қабул қилинган ҳужжатлар ҳаммада жуда катта қизиқиш уйғотди. Барча коммунистлар ва меҳнаткашлар съезд қарорларини яқинлик билан маъқуллашарди. Мана эндиликда съезд қарорларини ижро этишга олиб боришнинг энг муҳим шарт-шароити бўлиб қолган. Бизнинг корхонамизда ҳам барча ишлар мазмун ва моҳиятини съезд қарорлари пропандаси ва уларни амалга ошириш таъкид этипти. Ютуқларимиз чакки эмас. Масалан, ун биринчи беш йилликда барча асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар муваффақиятли адо этилган эди. Съездда мусобақасида ҳам кўнглидагидек ютуқларга эришган-

дик. Съезддан кейинги ишларимиз ташаббускорлик ва юксак талабчанлик, масъулиятни тўла ҳис этиш руҳида бормоқда. Бироқ ҳолисона айтганда ҳали биз ўз ишларимизни тубдан қайта қурулганимиз йўқ. Аммо биз съезд белгилаб берган режа ва вазифаларни қалбимиз ва онгимизга чуқур сингирган ҳолда партиявий ишларимизни тубдан қайта қуришга, ҳар бир пех партия ташкилотига ижодкорлик, принципал талабчанлик ва ўз-ўзини таъкид муҳитини қарор топтириш учун астойдил курашяймиз. Эришилган ютуқлар билан асло киёфланмаслик, фанат олга томон ҳаракат қилиш, иш услуб ва методларини ўзгартириш ва такомиллаштириш вазифаларини қатъий мураккаб бўлмасин, биз албатта бунинг уддасидан чиқамиз. А. АБДУРАҲМОНОВ, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

### Дилимиздаги гаплар

Барча совет кишилари қатори мен ҳам ўртоқ М. С. Горбачевнинг Тольятти меҳнаткашлари ҳузурида сўзлаган нутқини эъз қизиқиш билан эшитдим. Бу партияимиз раҳбарининг КПСС XXVII съезидан кейин ўтган муддат давомида қилган ишларининг сарҳисоби ва қилинажак ишларнинг йўл-йўриқлари сифатида меҳнаткашлар олдидagi қўлини изҳори бўлди. Айни пайтда бу нутқдан биз Коммунистик партиянинг жамиятнинг йўл-йўриқлари сифатида, совет халқи турмуш фаровонлигини оширишга не-

чоғлик катта аҳамият бераётганлигини ақдол гувоҳи бўлдик. Ҳозирги пайтда ҳар бир киши ўз ишини ҳалол бажармоғи керак. Ҳалоллик эса ишда ҳам, турмушда ҳам муваффақиятни келтириб чиқарадиган омиллардан биридир. Улар биринчи навбатда ўз масъулиятларини англамоқлари керак. Совет халқи учун ҳозирги оқшомхон, тинч-фаровон ҳаёт жуда қимматга тушган. Бунинг ҳаммаси яхши биламиз, шунинг учун бугунги кунда ер юзидида тинчликни сақлаб қолтиши

нечоғлик буюк аҳамияти борлигини тушунириб ўтиришнинг ҳолати бўлмаса керак. Фақат бир нарсани айтиб ўтмоқ лозим. Бизнинг ишимиз ҳам, вазифамиз ҳам тинчлик ишига қаратилган. Бизнинг дунё халқларига ягона тилагимиз ҳам шу — Тинчлик. Бунинг Тольяттида сўзлаган нутқини ўқиб ҳам яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин. М. ХОЛМЕДОВ, «Главаташкентстрой»нинг транспорт ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 1-автокотлонна ҳайдовчиси, Тошкент область мукофотининг лауреати.

### Маҳаллада биринчи марта

Собир Раҳимов район партия комитетининг ташаббуси билан район корхоналари ва ташкилотларидан ташқари

«Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида биринчи марта ягона сийёсий кун бўлиб ўтди. Маҳаллада яшовчи пенсияер отахонлар, кўп болали аёллардан юзга яқин киши «Ленин гоёлари амалда»

мавузидagi суҳбатни мароқ билан тингладилар, ўзларини қизиқтирган қўпгина саволларга жавоб олдилар. Ҳ. ИУЛДОШЕВ, «Тошкент оқшом»нинг жамоатчи мухбири.

## Оила билан — маданият саройига

Шаҳримизда ҳафтанинг ҳар шанба ва яшанба кунлари районлар, корхоналар, ташкилотлар коллективлари оилишини ўтказиш анъаналарига эга. Бу таъдирлар биринчи навбатда омилининг, дам олиш программасининг ранг-барангини

ги билан қизиқарли ўтмоқда. Тошкентликларнинг «ЭРТАГА» бўладиган тадбирлар қандай программа билан мамнун эдилар? Фрунзе райониди яна

бир бор меҳнаткашларнинг коллектив бўлиб дам олиш уштурилади. Бу сафар тўқимачилар маданият саройида тарадуд қўрилди. В. П. Чоклов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ма-

даният ва техника саройида бўладиган байрам «Оила билан маданият саройига» деб аталади. Сарой эрта тоғондан то кечгача ҳамзаликлар ихтиёрига бериб қўйилади. Куйбисhev райони меҳнаткашларнинг коллектив дам олиш трактор заводи-

нинг маданият саройида ўтказилади. Бу ерда томошабинлар учун катта спорт байрами, спортчиларнинг маҳоратли чиқишлари тайёрланди. Байрам корхонанинг спорт комплексида эрталоб соат 10.00 да бошланади.

### Билдириш

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XIX қақриқ Тошкент шаҳар Советининг олтинчи сессияси 1986 йил 17 апрель соат 17.00 да Тошкент область партия комитетининг (III. Рашидов проспекти, 9-уй) мажлислар залида очилади. Депутатлар ўша жойнинг ўзидида соат 16.00 дан рўйхатга олинадилар. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.



КПСС XXVII съезди: сифат, самарадорлик, жадаллаштириш



# ХАЛҚ УЧУН КЎПЛАБ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК

«МАХСУЛОТ СИФАТИ ПРОБЛЕМАСИНИ АЛОҲИДА КЎРСАТИШНИ ИСТАР ЭДИК. БУ БИЗНИНГ ЭНГ ЯҚИН ВА КАТТА РЕЗЕРВИМИЗ, ДЕИШИНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ҚИЛМАЙДИ. БУГУНГИ КУНДА ЮКСАК СИФАТ БЎЛМАСА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЯТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛОЖИ ЙУҚ... БРАК БУЮМЛАР, ПАСТ СИФАТЛИ ТОВАРЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИСТИСНО ЭТУВЧИ КАТЪИЙ ЧОРАЛАР КЎРМОҚ ЗАРУР».

(КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездида Сийёсий докладыдан).

## Эзгу мақсадни кўзлаб

ТУҚИМАЧИЛАР кўчасидаги кенг ва раван асфальт йўлдан одимлар экан Нина Ивановна кўнглида алақандар бир гуруҳ хиссини туйди. Бейхитёр атрофга завок билан боқди. Кайфияти кўтарилиб, қадами илдамлашди. Йўл-йўлакай танишларини, ҳамкасбларини учратди. Бу кишиларнинг ҳаммаси юрагига ақин одамлар эканини сезиб дили яйраб кетди. Нина Ивановна ҳаёлар оғушида оқсидан етиб келган ҳамкасб дугонасини ҳам сезмай қолди.

— Раҳмат, Нина. Сен бўлмасанг, бу асфальт йўл қайда эди бизга. Қишда лойдан, ёзда эса чангдан безор эдик. Энди бу қафтдек текис йўлдан шошиб эмас, қўлиб юрса ҳам эрийди, — дея кулдириб дугонаси.

Дарҳақиқат, коллективнинг битта нақаз ба-жарилиди, — ҳавлидан ўтказди Нина Ивановна. Энди навбат янги масъула. Комбинат яқинида қад кўтарган «Ивановолук» туқимачилари массивини ҳам ободонлаштириш, йўлларга асфальт ётқириш зарур.

Нина Ивановна ўз уйдёк қадрдон ва ақин бўлиб қолган корхона дарвозасидан чиқиб кирак экан, икки томонли гулзор йўлдан қақ-қақлашиб келишадиган бир гуруҳ қизларга кўзи тушди. Узининг ёшлик йилларини, корхона илк қадам қўйган даврларини эслади.

1955 йил ёзда Ульяновскада ўрта мактабни муваффақиятли тугатилган қиз ёзи таштилин Тошкентда, қаринош-руғулариникида ўтказишга қарор қилди. Яқинлари ишлаган туқимачилик комбинатини бориб кўриси келди. Корхона цехларини айланиб экан машина ва дастгоҳларни қаққонлик билан бошқараётган ўзи тегини ёш қизларга ҳаваси келди. Бейхитёр «бордини», шу ерда қилиб ишласанми, деган ўй келди ҳаёлига. Бу тақдирини қариношлари кўллаб-қуватлашди.

— Устозим Валя Фоминанинг сўзлари сира ёдимдан чиқмайди, — дея эслади Нина Ивановна. — Касбининг севсанг, ҳурмат топа-сан, — дея уқитариб у. — Дарҳақиқат, меҳнатини тўғайли эл эъзозига мушарраф бўл-ди.

ОРАДАН йигирма йил ўтиб, бой малака ва юксак ишлаб чиқариш маҳорати эга бўлган Н. И. Таликина аввал умумкомбинат маҳорат кўригида, сўнгра эса шаҳар ва вилоят рес-публика санат корхоналари ишчи маҳорати конкурсида фахрли 1-ўринини эгаллади ва ўша йили Калинин шаҳрида бўлиб ўтган Бутунитти-фок ишчи-ёшлар мураббийлари семинарига Ўзбекистондан ягона ақил бўлиб борди.

Унинг ўзига ҳоз ва барчага манзур ажойиб ҳислатлари бор. Улардан энг муҳими — шогирд-ларига меҳрибон ва ғамхўр она сифатидagi ҳислатидир. Цехга келган ҳар битта ёш ишчи-га у алоҳида диққат билан ва меҳр билан ёндош-ди, қўйналган пайтлари уларга яқиндан кўмак беради, масъаҳатини аямайди. Эҳтимол, уни ишлар ана шундай ажойиб фазилатлари учун ҳам севиниб. Бунини Нина Ивановна бундан бир неча йил муқаддам ўзига «Комбинатнинг энг яхши мураббийси» ўзгача номини топирилат-ган пайтда айниқса ич-ичидан ҳис этди.

— Комбинатга ишга келган меҳнат — бахт калити эканини билдим, — дейди бизга Нина Ивановна. — Бунини қарангки, умор йўлдошим ҳам ишчи. 40 йилдан буён «Водоканал» трес-тида слесарлик қилади. У ҳам меҳнати тўғай-ли обрў-этибор топан, ишлаб чиқариш ил-горларидан.

Халол меҳнати тўғайли коллективи эйтибо-рини қозониш ва унинг ишончига сазовор бў-лишининг ўзи ҳам чинакам бахт! Н. И. Талики-нага коллектив юксак ишонч билдирди. Ўзбе-кистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлади. Бинобарин, бу тиниб-тинчимас, та-дбиркор аёл кўпчилиги ишончини оқлаб кел-моқда.

Депутатлик — зиммадаги яна бир катта масъулият, — дея жавоб беради у. — Зеро, халқ ишончини оқлашнинг ўзи бўлмайди. Сей-ловчилик нақазини бекам-куст бажариш, улар бўйридан вазифини сикдикдидан адо этиш лозим. Мана яқинда корхона яқинидаги Туқимачилар кўчаси тўла асфальтланди, янги турар жой массивида ободонлаштириш ишла-ри давом этмоқда. Корхона билан массив ўртасида янги кўприк ётқизилди, атрофи бе-тон билан қопланди. Корхона ичиде эса яна бир янги озиқ-овқат магазини қад кўтармоқ-да. Бу магазин ил-йигирув фабрикаси қарши-сида бўлиб, барча кулайликларга эга бўлади. Шунингдек, территориясидаги сабзавотлар дўконининг иш графиги туқимачилар учун қу-лайлаштирилди. Хали яна қилинажак ишлари-миз кўп.

ЎЗБЕКИСТОН ССР Олий Совети турар жой коммунал хўжалиги доимий комиссияси аъзосидир. Шунинг учун ҳам ўзим меҳнат қи-лаётган туқимачилик комбинати ишчиларини турар жой билан таъминлаш, уларга янги ва қулай замонавий уйлар қуриб бериш ишини йўлга қўйишда ҳам фаол қатнашимиз керак.

Комбинат партия ташкилоти ҳузурида ҳар ойда бир марта «Депутатлар қабул кўни» белгиланган. Нина Ивановна қабул кўнундан ташқари пайтларда ҳам туқимачиларнинг эри-за ва шикоятларини, талаб ва илтимосларини тинглайди, уларга имкони борица кўмак бе-ришга ҳаракат қилади. Ишчиларнинг моддий-маънавий турмушини ахшилаш — биринчи га-деги зарур вазифа эканини жуда яхши би-лади.

Ўз ишининг фидойисини, касбини эъзозлаб келётган ишчининг меҳнатлари муносиб тақ-дирланган. Унинг кўсини III даражали Меҳнат Шўҳрати ордени, «Шахматли меҳнати учун» медал ва яна бир қанча медаллар беэаб ту-рибди.

Ҳар бир шойли анжуманга муносиб меҳнат тўғрисида ҳозирлаш — туқимачиларнинг азалии афзалларидан. Нина Ивановна Таликина ҳам партиянинг шойли XXVII съездининг ёруғ юз билан қарши олади. Бу сана шарафига у шу йилнинг биринчи квартал план-топири-рини удалади. Съезд кўнакли ҳам бу пешка-дам ишчи план-кўрсаткичларини ҳаммаша 130 — 140 процентдан туширмади.

З. ДУСТМУХАМЕДОВА.

## Қўшиқларга ҳамоҳангдир ҳаммаша

Репортаж

МИЛЛИЙ музика асбо-блари фабрикаси. Корхонага кирган киши ўзини гўё музика оламига сайхат қи-лаётгандек ҳис этади.

Ийғув цехи. Бу ерда ўз касбига ихлос қўйган уста-лар ишлашади. Уларнинг юк-сак дид ва маҳорат билан ишлаган чолғу асбобларини кўриб устала-р заковатига қўйил қоласиз. Бу музика санъати жиҳозларининг на-муналари бугунги кунда республикамиздан четкалар-да ҳам маълум ва машҳур-лигига эришди ҳеч кимга сир эмас.

Ўз оҳанги ва салоси билан мусавффо дилларга қувонч ва олам-олам завоқ бағишла-ган мана бу ерижаклар, ду-торлар, газал ва лирикага ҳамоҳанг рубоблар, икки юрак манжирлариди тўқилла-ниб оламга жар солган қар-най ва сурнайлар бағрида яна қанча-қанча қувончу-шодликлар бор экан?

Корхонанинг тахта девор-ларига халқ талантларининг машаққатли меҳнати билан «дуйига келган» найлар қатор териб қўйилган. Улар жиҳосидан кўз қамашади.

Ишон қўли гул. Мана шу қўллар нимага қодир эмас, ахир. Ахир од-дий ёғочни тилга киритиш-ни ўзи бўладими? Бунақас-ни ҳар ким қилавермайди. Бунақа нозик иш ҳар ким-нинг ҳам қўлидан келавер-майди. Унинг ўз устаси, ўз ижодкори бор.

Мана, улар кимлар. Бир йўла уч орден кавалери Мансур Мирзаев, унинг ўғиллари Носир, Зокир, То-хир ва қизи Тамаралардир. Бугунги кунда ота қўсини Октябрь Революцияси, Меҳ-нат Қизил Байроқ, «Хурмат Белгиси» орденлари беэаб турибди. Бу 1944 йилдан бе-ри корхонада тер тўкиб меҳнат қилиб келётган, од-дий ёғочга тил бағишлаган Мансур ака хизматига берил-ган юксак баҳо, миннатдор-лик белгиси.

Абдураҳул Абдуқодиров — корхона фахри. Ёшларнинг сеvimли мураббийси. Номини тилга тушган машҳур музика асбоблари ижодкори.

ЦЕХ бошлиғи Собит Фо-злов, мастер Валенти-на Дробнишева, бригадир А.

Шуликов, В. Пирсова ва бошқалардир. Бу устала-р яратган турли музика асбо-бларини ҳамшаҳарларимиз сеvim хариб қилишади.

— Кундалик ҳаётимиз ранг-баранг воқеаларга бой. Бутун дуйе халқлари диқ-қат-этиборида бўлган КПССнинг XXVII съезди ўз ишини тугатилганга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ком-мунистлар анжуманининг тарихий ҳужжатлари барча корхоналар қатори бизнинг фабрикамиз ишчилари ўрта-сида ҳам зўр қизиқиш билан ўқиб-ўрганилмоқда. Ҳар бир киши ундаги сатрлардан ўзи-га тегинли хулосалар чиқар-иб олмакда ва ўн иккинчи беш йилликда бажарилади-ган ишлар планини режа-лаштириб олмакда, — дейди биз билан суҳбатда цех бош-лиғи С. Фозилов.

Съезд қарорларидан рух-ланган коллектив шу кўналар-да ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқда. Корхона ишчилари ўтган йилги му-ваффақиятларини мустаҳкам-лаш учун бу беш йилликда ҳам юксак марраларини кўз-лаб туришибди.

— План — қонун. Уни бажариш ҳаммамиз учун мажбурий, — дейди бизга цех мастери В. Дробнишева.

Бирок план оқсидан қувиб сифатини унутиб бў-лмайди. Зеро, ишимиз ҳам фақат аъло сифатлиликни тақозо этади. Ахир пала-партиш тайёрланган музика асбобини кўз олдингизга келтириб қўринг. Унинг созида жаранг, оҳангиде ла-зат бўлмайди. Бундай маҳ-сулотнинг борида йўғи ях-ши. Шунинг учун ҳам кор-хона усталари «Сифат — бош меъри» широнини ўзла-рига қўрол қилиб олишади.

Ана, пастки қаватда ру-бобнинг шўх қуйи таралмоқ-да. Хона бўйлаб эшитилаёт-ган сирли оҳанг бирор бир музика ижодкорининг маҳор-атидан қанот қоқётгани йўқ. Ҳозиргина мукаммал ҳолатга келган бу дилхаш торнинг созланишини уста синаб кўрмоқда. Ўзининг оғир ва машаққатли меҳна-тига баҳо бермоқда.

М. КОМИЛЖОНОВ.

## Мижозлар мамнун


БУГУН

Сергелидаги Октябрь 50 йиллиги номи тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг йил боши-дан бери ишлаб чиқариб савдо тармоқларига етказиб берган кенг истеъмол буюм-лари 150 минг сўмликка ет-ди. Бу планда белгиланган-дан анча ортиқдир.

Пойтахтимизда 1986 йил-дан элизиладан кейин пай-да бўлган бу бирлашма қис-қа вақтда Тошкентдаги ил-гор маҳаллий санат корхо-налари сафидан ўрни олди. Утган йилдаги социалистик мусобақада юксак натижа-ларга эришилганлиги учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзе-кистон ССР Министрлар Со-

вети, республика касаба со-юзлари Совети ва респу-блика ЛКСМ Марказий Ко-митетининг қўмаи Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлган корхона чеварлари бу йил алоҳида ғайрат билан меҳнат қилмоқ-далар. Бирлашмада илгор чеварлар, А. Глухова, З. Мирзаева, И. Ойбоева, Н. Мелиховаларнинг номлари ҳурмат билан тилга олина-ди. Катта маҳорат ва таж-рибага эга бўлган бу тикув-чилар биринчи квартал то-пиригини коллективда би-ринчилардан бўлиб адо этиш-ганди. Ҳозир уларнинг меҳ-нат календариде 1986 йил-нинг май ва июнь ойлари давом этмоқда.


Эркаклар ва болаларнинг кийимларини тикишга ихти-сослашган корхона янги йил-дан иқтисодий экспирмент шаронтида ишлапти.



«Промстройкомплект» бирлашмасига қарашли корхоналарда пойтахтимиз қурилиш-ларига зарур бўлган қурилиш материалла-ри ишлаб чиқарилади. Бу корхоналарнинг бир маромда ишлаши учун машина ва ме-ханизмлари, ускуналари ҳаммаша соз бўли-ши керак. Бирлашма ихтиёридаги экспир-ментал ремонт механика заводи мазкур корхоналарга зарур бўлган ностандарт ус-куна ва деталларини ремонт қилиш билан шуғулланади. Бу заводда тажрибали иш-чилар меҳнат қилади. Улардан бири Зуфар Собитовдир. У корхонадаги илгор йиғувчи, слесарлар бригадасига бошчилиқ қилади. Илгор ишчи бошлиқ коллектив КПСС XXVII съезди шарафига давом этган со-циалистик мусобақада фаол иштирок этиб, иккинчи ойдик топиригини мундидан илгари бажарганди. Ҳозир апрель ойи топи-ригини барвақт удалаш учун меҳнат рай-ратини оширмоқда. Бригадирнинг ўзи кол-лективда ўзaro ушшоқлиқ, ҳамжиҳатлик вазиятини юзага келтиришда, меҳнат итти-зомини мустаҳкамлашда барчага намуна бўлпти. Смена топириқларини мунта-зам ортиғи билан адо этиб, аъло сифатли маҳсулот тайёрлапти.

СУРАТДА: илгор йиғувчи-слесарь Зу-фар Собитов.

Л. Глауберзон фотоси.



## 2. Коинотни забт этган инсон



Коинот чексиз. Инсон та-факкура унда ҳам чексиз. Асрлар бўйи ядузлар ола-мига ҳаёлан сир этган ин-сон орузи чинакамга амал-га ошганига чрак аср бў-ди. Инсониятнинг коинотга илк парвозини улғу Ватан-мизнинг асл граждани Юрий Алексеевич Гагарин бажар-ди. Ўша кун ечагидай ёди-мизда. 108 минутлик космик парвоз бутун дуйега хайрат-ка солган эди. Ҳаммамизнинг охири осмонг қаратилган эди, десак хат бўлмайди. Зеро, инсониятнинг тафак-кури маҳсули бўлган фан ва техника келажик сари беки-ёс қадам қўйган эди. Ҳам-ма «Юрий Гагарин», «Вос-ток» кемаси, «Космос» де-ган сўзларни ақрибди.

Совет ҳақи бош кон-структор С. П. Королев ва биринчи космонавт Ю. А. Гагаринни ҳаммаша зўр ҳурмат ва эҳтром билан тилга олади. 108 минут-лик парвоз Юрий Гагаринга катта шухрат елтирди. У Ватанимизнинг бир қатор чет давлатларнинг юксак мувофотларига сазовор бў-ди. Бугунги кунда космос-ни забт этган юзук инсон номи шаҳарлаб, қўчалар-га, хиёбонларга, ўқунг юрт-ларига берилган. Унинг бу-юк жасоратини санъаткорлар ўз асарларида намоён этишган. Комос забткори бир вақтлар бу шундай иш бошлаган эди.



## Тежалган ёнилғи ҳисобига

Тошкентдаги 3-автокомбинат ҳайдовчилари коммунистик шанбалик кунини йил бошидан бери тежалган ёнилғи ҳисоби-дан ишлаб берадилар, деб хабар берди УЗАГ мухбири. Корхонада мўлжалдаги бен-зин сарфи 5 минг литр ва та-бий газ сарфи 3 минг куб метр қамайишига эришилди. Халқ контролерлари шунга эришишга ёрдам бердилар.

Контролерлар автопарк-портни текширгенлариде қўп-гина юк машиналарининг спи-дометрлари носоз эканлиги

маълум бўлди. Баъзи ҳайдов-чилар автопаркортдан бош-қа мақсадларда фойдаланяп-тилар, ишлаб чиқилган ҳара-кат маршрутларига риоя этма-яптилар. Бу нарсe ёнилғининг ортиқча сарф бўлишига олиб боради, мажбурий ремонтлар-га сабаб бўлади. Контролерлар автокомбинат раҳбарларига приборлар ремонтини шоши-линч тартибда ташкил этиш ва ҳар бир приборга плом-ба қўйишни тавсия этишлар. Мазмурият курсатмалари ба-жарилишини кузатиб туриш учун ҳар бир колоннада халқ

контроли послари тузилди. Текшириш атижаларига қў-риқ, «Молния» ва деворий газеталар чиқаришмоқда. Ма-селан, таъминот ҳодимлари қаттиқ танқидқилинди. Қисил-ган газ билан ишлашга ўтка-зилган айрим автомобиллар уларнинг айби билан газ уску-наларининг злас қисилари йўқлигидан ян бенизига ўтка-зилган. Бу қусрини тезда туза-тиш мумкин йўли. Эндилик-да газ ёқиб шлайдиган авто-мобиллар жам сони 450 тага етказилди.

## Социализм мамлакатлари янгиликлари

● БЕРЛИН.

Совет Иттифқидаги корхоналар билан самарали ҳамкорлик қилганлиги, КПСС XXVII съезди шарафига ўтказилган со-циалистик мусобақада ғалабага эришилганлиги ҳамда СССР билан ГДР ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантиришга амалий ҳисса қўшилганлиги учун «Карл Цейс Йена» комбинати коллективни ВЦСПС Қизил байроғи билан мукофотланди.

«Карл Цейс Йена» фирма маркаси қў-йилган буюмлар юксак сифатлилиги ва пишиқлиги билан ажралаб туради. Ҳам ер-да, ҳам космосда ишлаш вақтида бу буюм-лар манзур бўлди. Комбинат Совет ҳамкас-блари билан ҳамкорликда оптик приборлар, шунингдек микроэлектроника учун техно-логик ускуналар ишлаб чиқмоқда ва тайёр-ламоқда, советлар мамлакатидеги 20 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ва илмий мар-каз билан амалий алоқа боғлаб турибди.

● ВАРШАВА.

Польша пойтахтида биринчи ҳисобланган микрокомпьютерларда ишлашга ялпи ўр-гатадиган марка «Бит» деб аталади. За-монавий ҳисоблаш техникаси билан жиҳоз-ланган бу маркада тажрибали инструктор-лар раҳбарлигида турли тиндаги ЭХМлар-ни бошқаришнинг мустаҳкам малакасига эга бўлиш мумкин.

Биз, — дейди марка директори Е. Румя-нек, — бу ерда ёшлар кўпроқ бўлишини ис-

таймиз. Чунки, яқин келажикда энг мукам-мал ва илгор ҳисоблаш техникасида айна ишлар ишлайдиган бўлади. Бундай техни-ка республика халқ хўжалигида тобора кенг қўлланилмоқда.

Бутунги кунда Польшада мактабларда, техникумлар ва олий ўқув юртиларида про-граммалаш ва информатика асосларини ўр-гатишга катта эътибор берилмоқда. Мана-лақадги йўнал ҳунар-техника билим юртиларида ва ўрта мактабларда махсус фан — ЭХМда ишлаш жорий этилган. Ян-ги ишнинг ташаббускорлари доимо қўпа-ниб бормоқда.

● УЛАН-БАТОР.

Интенсивлаш — МХРда шу беш йиллик-даги асосий тушунчадир. Мамлакатни иқ-тисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳасига мувофиқ сана-отга ўтган беш йил мобайнида ажратилган миқдорда маблағ ажратиб кўзда тутилди. Бирок бунда санат ишлаб чиқариш ҳа-кимни 30—34 процент қўнайтириш режа-лаштирилмоқда.

Биз маҳсулот ишлаб чиқаришни қўпай-тиришнинг асосий қисмини мавжуд қувват-лардан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олиш ниятидадиз, деб ёзда МХР Госплани ра-исининг ўринбосари В. Цэрэн «Унэн» газе-тасида.

## ДУНЁ ХАВАРЛАРИ

ТАСС ВА АПИ МУХБИРЛАРИ ЕЗДИЛАР

## Японияда совет кинофестивали

● ТОКИО.

Япония пойтахти энг ях-ши залларининг бири — «Иомиури хору»да совет фильmlарининг 18-фестива-ли очилди. Фестиваль про-граммасида «Харбий» — дала ишқ савдоси», «Еш эдик, гўр эдик», «Хушрўй ва дил-бар» ва «Оқ қоллон авлоди» деган туртта бадиний фильм бор. «Москва — неоглиқ маъ-нодор суъ» ва «Пирамида»

Чилида норозилик намоийиши

● БУЭНОС-АЙРЕС.

Чилидан олинган хабарлар-га кўра, Сантьягонинг турли районларида намоийишлар бў-либ ўтди. Бу намоийишларнинг қатнашчилари ҳарбий-фашист-тик режимнинг истеъфо бе-ришини талаб қилишди. Чили пойтахтининг жануби-ғарбида-ги қашоқ кварталлар намо-ийишчилар билан полициячилар ўртасида бўлиб ўтган шиддат-ли тўқнашулар майдонига ай-

деган хроникал-ҳужжатли ленталар ҳам киритилган. Япониялик томошабинлар «Мосфильм», Киев ва Олес-са киностудиялари, «Киризи-фильм» кинематографичла-рининг асарлари билан тани-ша оладилар. Жамоатчилик зўр қизиқиш билан кутиб олган навабдаги совет кино-фестивали Япония маданият ҳаётида сезиларли воқеа бўлиб қолди. Япония мат-буоти фестивалда намоийиш этилаётган фильmlарини таъ-

кидлаб, уларда инсонпарвар-лик юксаклигини, оддий ин-сон ўй-фикр ва туйғуларига эътибор берилганлигини таъ-кидламоқда. Бу фестивалда телевидение орқали ҳам кўп совет кинофильмлари намо-ийиш этилмоқда. Телеомоша-бинлар ўтган ҳафтаннинг ўн-данига урта совет кинолента-сини кўрдилар.

Фестиваль Осака ва Фу-куока шаҳарларида ҳам ўт-казилмоқда.

аппаратларини ишга солишлар. Палаткалардан иборат лагерь устида жанговар вертолётлар учиб юрди. Норозилик намо-ийишлари қатнашчилари поли-цияларнинг бебошлигидан ўз-ларини ҳимоя қилиш учун баррикадалар ташкил қилиш-ди. Полициячилар билан бўл-ган тўқнашулар натижасида 30 киши оғир жароҳатланди, булар орасида аёллар ва бо-лалар бор. Кўплаб киши қа-моққа олинди.

## Пуштунларнинг кураши давом этмоқда

● КОБУЛ.

Варазай райониндан (По-кистоннинг шимоли-ғарбий чегара вилояти) олинаётган хабарларга кўра, кейинги вақтларда у ерларда вази-ят гўят кескинлашиб кетди. Варазай қабиласига мансуб пуштунларнинг бирлашган отряди Покистон армияси солдатларини ташибётган авто-тобуга ҳужум қилди. Бир неча ҳарбий хизматчи ўлди-рилди ва жардор қилинди, автобус мажақланди. Маҳал-лий ҳарбий матмурулар бун-дан ўч олиш учун пуштун-лар яшайдиган районларга жазо отрядларини юборди. Алишерзай, Масузаъ ва Мамаузой аймақлари қурол-ланган лашкарининг жанг-чилари қабилаларига ёрдам бергани келди. Улар биргаликда боқинчи-ларни Варазай қабиласи территориясини тарк этишга мажбур қилдилар.

Шундан сўнг пуштунлар





### 3. Коинотни забт этган инсон

Юрий Гагариннинг табасуми. Унинг мулоим тегра-  
даги майин ва айни пайт-  
да кувноқ табасуми бутун  
дунё халқларига таниш. Ин-  
соннинг космосга парвозини  
башорат қилган К. Э. Циол-  
ковский яшаган Калугада  
бўлсангиз ҳам, собиқ Гжатск  
ҳозирги Гагарин шаҳрида  
сайр этсангиз ҳам, Ватани-  
миз пойтахтидаги «Коинот  
забткорлари» монументига

назар ташласангиз ҳам си-  
за Гагарин табасуми ҳам-  
роҳ бўлади. Юлдузлар ола-  
мига биринчи бўлиб парвоз  
этган инсон ватандошимиз  
эканидан беҳад фахрлана-  
миз, гурурланамиз.  
Юрий Гагарин отган йўл-  
дан яна қанча ватандошлари-  
миз фазога парвоз этишди.  
Фан ва техникамиз янада  
таракқий этди. Буларнинг  
ҳаммасига Юрий Гагарин-

нинг табасуми ҳамроҳ бўл-  
моқда.  
● Космос забткори чек-  
сиз ҳурмат ва эҳтиромга со-  
зovor.  
● Ю. Гагарин туғилиб  
ўсган шаҳар бугунги кунда  
унинг номи билан аталади.  
● Ёшлар катта ҳаёт йў-  
ли олдида улуг инсонга  
таъзим бажо келтиришди.  
ТАСС фотохроникаси.

## ЭКРАНДА ЖАСОРАТ ТАСВИРИ

Байрам кунларида «Космо-  
навт Комаров», «Фазовий хро-  
ника», «Юлдузлар палитраси»,  
«Ягона чора», «Венера сирла-  
рини очди», «Вега» ўтмиш  
томон учмоқда» сингари ҳуж-  
жатли фильмлар тошкентлик  
кинотомошибилар эътибори-  
га ҳавола этилади. Уларнинг  
ҳар бири коинот сирлари,  
илимий тадқиқотлар ҳақида ҳи-  
коя қилади.

Бундан ташқари Тошкент  
шаҳар кинотеатрлари прокати  
идораси «Машаққатлар оша  
юлдузлар сари», «Орбитадан  
қайтиш», «Югуриш», «Ташвиш-

ли парвоз» каби фильмларни  
экранларга чиқаради. Улар  
ичида «Орбитадан қайтиш»  
фильми айниқса эътиборга  
лояқатлидир. Режиссёр Александр  
Сурин томонидан ишланган  
мазкур картина ҳаётини далил-  
лар асосида ишланган бўлиб,  
совет космонавтилари, уларнинг  
машаққатли касби ҳақида ҳи-  
коя қилади.

Фазога учирилган кема ме-  
теорит ёғирга учраб, ишдан  
чиқади. Кема командирини эса  
юз берган авария тўғрисида  
қаттиқ жароҳатланади. Ердам  
учун зудлик билан иккинчи

кема фазога учирилади. Куз-  
нецов бошлиқ космонавтарлар  
очик фазода, ҳар бир қўйил-  
ган қадам ҳалокат билан ту-  
ғалиш мумкин бўлган бир ва-  
зиятда кемани ремонт қилиб,  
жароҳатланган бир кемадан  
иккинчисига олиб ўтишади.

Фазогирлар жасорати ҳақи-  
да ҳикоя қилувчи мазкур  
фильмдаги бош ролларни Юоз  
Будрайтис, Александр  
Прокошечников, Виталий Соло-  
мин каби таниқли совет кино-  
усталари ижро этишган.  
Экранларга чиқарилаётган

иккинчи фильм эса фантастик  
мавзуда суратга олинган.  
Фильм авторлари Нияз исмли  
ўзга сайёралик қиз образи ор-  
қали уруш даҳшатлари, унинг  
тузатиб бўлмайдиган оқибатла-  
ри ҳақида ҳикоя қилишган.  
Ядро уруши тўғрисида ҳаробага  
айланган Десса планетасида  
минглаб совет кишиларининг  
жонбозлиги тўғрисида ҳаёт  
қайта жонланади.

Фильмда XXII асрдаги тех-  
ника таракқийи, фан ютуқла-  
ри турли кинематографик  
воситалар ёрдамида тасвирлан-  
ган.

М. Горький номи киносту-  
дия ижодкорлари томонидан  
яратилган «Ўзга сайёраликлар  
кемаси» деб номланган янги  
картина эса Юрий Гагарин  
космосга парвоз этганлиги-  
нинг 25 йиллигига бағишлан-  
ган.  
Фильм космик кемалар си-  
нов ҳақида, унинг фазонинг  
ўрганиш ва ўзлаштиришдаги  
муҳим аҳамияти тўғрисида ҳи-  
коя қилади.

М. ИБРОХИМОВА.

## ТУРСОЯ ОЛАМ

▲ МУЗИКАДАН... ГАЗЛА-  
МА

Ўта халқпарастликка берил-  
ган кишилар ҳам «валъ» қиро-  
ли Иоганн Штрауснинг асар-  
лари янги газламадан яратилиш-  
ганга... хизмат қилишини тасав-  
вур эта олмаган булур эди-  
лар.

Шунга қарамай Австрия бу-  
юк композиторининг қуйлари-  
лиги газлама гулларини «қиз-  
моқда». Бунга Витебскдаги  
енгли сановат технология ин-  
ститутининг трикотаж ишлаб чи-  
қариш кафедраси ходимлари  
яратган мослама ёрдамида  
эришилди.

Трикотаж ишлаб чиқаришда  
йигирилган илгирли хоссалар-  
ни бериш учун мелеаж усу-  
ли қўлланилади. Бунда ранг-  
баранг толарлар ёки табиий  
иплар сунъийлиги билан ара-  
лаштирилади. Рангли хом ашё-  
дан тегишли гуллар ҳосил қи-  
лувчи мосламалар мавжуд.

Бироқ улар бир мунча мурак-  
каб ва қimmat. Уларнинг энг  
катта камчилиги шундаки, газ-  
ламага фақат бир хил гул  
туширилади.

Витебсклик тадқиқотчилар  
меланжловчи тақомиллашган  
механик курилмаларнинг теб-  
ранишлари тақририятини  
созлашни товуш тўқилари  
этимасига юклалди. Рангли  
иплар оҳангга ҳамроҳан ра-  
вишда тўқилди, гулдор газла-  
мага айланди.




▲ СУВ ОСТИ ҚАНОТЛИ  
ВЕЛОСИПЕДИ

Америкадаги Пасадени  
шаҳрининг конструкторлари  
сув ости қанотли велосипедни  
ясади. У сувда соатига 24  
километр тезликда юра олади.  
Қўтарма кучи иккита қанот  
орқали ағушда келтирилади.  
Улардан бири ўрнидаки остида  
бўлиб, асосий оғирлик унга  
тушади. Иккинчиси олдиндаги  
бир мунча енгил қанот бўлиб,  
ҳаракат пайтида конструкция-  
нинг мувозанатини сақлашга  
хизмат қилади. Фалати сув ве-  
лосипеднинг оғирлиги 17,7  
килограмм.



▲ ГОЛЬФСТРИМ  
УЙЛАРИНИ ИСИТАДИ

Норвегия пойтахтида бино-  
ларни иситиш учун Гольфстрим  
сув оқимининг иссиқ ҳаро-  
ратидан фойдаланила бошлан-  
ди. Ўтган қишда ана шу ғала-  
ти сув тармаги 15.000 та уйга  
хизмат қилди.



▲ «КОРНИЗОЛ» ШОВҚИН-  
ГА ҚАРШИ

Янги бинокорлик материал  
«корнизоли» унинг иссиқлик  
ихота қилиш хусусиятига  
қўра қалин қарағай ҳодиси би-  
лан рақобатлаша олади. Унинг  
3-5 миллиметр қалқинлиқдаги  
тахтаси енгил ва эгилувчан.  
Уни бетон деворга гулгоз  
каби ёпиштириш хонани со-  
вуқдан, шовқиндан ихота қи-  
лади. «Корнизоли» пўнақ қи-  
рмидан тайёрланади ва поли-  
мерли латекс билан мустаҳ-  
камланади. Уни София (Бол-  
гария)да олиш янги, техно-  
логия билан юрти ишлаб чиқ-  
қан тавсиялар асосида «Петро-  
лачка» фабрикаси ишлаб чи-  
қармоқда.

▲ ТАЖРИБАДА МАЪЛУМ  
БҮЛАДИ

Канадада Англиядаги бир  
фирманинг лойиҳаси асосида  
экспериментал телеир йўл  
участкеси қурилади. Бу ерда  
рельслар шалпага эмас, балки  
мустаҳкам телеир-бетон асосга  
этиклиди. Йўл оғир юк со-  
саватлари ҳаракати учун мўл-  
жалланган. Йўл участкасини  
икки йил мобайнида сновдан  
ўтказишди. Бундай йўл авва-  
ло туннеллар учун мўлжаллан-  
моқда. У одатдаги йўлга нис-  
батан 30 процент қimmatта  
тушади, бироқ жуда мустаҳ-  
кам.

## «Қрим манзаралари»

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, республика-  
да хизмат кўрсатган санъат арбоби Самий  
Абдуллаев Ўлуг Ватан уруши йиллари  
Қрим учун бўлган жангларда иштирок эт-  
ган эди. Тинч давр бошлангач, бир пайтла-  
ри Қрим орасида қолган, эндиликда ором-  
лиқга эришган Қрим ярим оролига  
бир неча марта сафар қилди. Унинг сўз-  
ли манзарасини мойбўёқларда акс эттиришга  
ҳаракат қилди.

1982 йилда Қримдаги рассомлар союзи-  
нинг кўргазмалар залида қаҳрамон рассом  
ижодидан сараланган юздан ортиқ асар  
намоиш этилди. «Хотира», «Ажимушқай  
қаҳрамонлари», «Қрим манзаралари» тур-

кумига қирган асарлари санъат мухлисла-  
рида қизиқтириш уйғотди.  
Яқинда Самий Абдуллаев «Қрим манза-  
ралари» туркумига қирган асарларини  
ниҳоятда етказди. Юзичи манзара асар  
билан қиймага етган туркум Қримнинг шу  
кунги ҳаётидан ҳикоя қилади.  
Келаси йили қаҳрамон рассом Самий  
Абдуллаев етмишнинг баҳорини кутиб ола-  
ди. Шу кунларда у яхши ният билан  
юбилей кўргазмасига ҳозирлик кўрмоқда.  
Кўргазмада ижодининг турли томонларини  
ҳикоя қилувчи уч юздан ортиқ экспонат  
намоиш этилади.

А. МАХМУДОВ.

### Маданият хабари

### Келинг, бир кулишайлик

## ХАНДАЛАР

Врач ҳузурида ўтирган бе-  
мор деди:  
— Шу десангиз дўхтир,  
кечаси ухлайганимда тўсат-  
дан чўчиб тушаман, энди  
ухлаганимда яна уйғониб ке-  
таверман. Нима қилай, би-  
рон маслаҳат беринг.

— Яхшиси сиз ухламаган-  
нингиз маъқул! — деди врач  
беморга хушмуомалалик би-  
лан.

— Нега сен хотинингдан  
қўра қайнаганини яхши кў-  
расан? — сўради дўсти бир  
йигитдан.

— Чунки хотинимнинг ои-

си ишхонамизда кассир-да,  
маошини навбатсиз беради.

Билетсизлиги учун контро-  
лёр қўлига тушиб қолган  
студент ялларди.

— Илтимос, шовқин кў-  
тарманг. Мана бир ярим сўм,  
жигитча қўйвора қўлинг.

— Нима? Нега бир ярим  
сўм бўлар экан. Уч сўм тў-  
лайсиз, яхши йигит, қондаси  
шунақа.

— Ия, ҳали сиз билмай-  
сизми, студентларга 50 про-  
цент илтиёз берилади, мана  
студент билетим.

А. ВУЗИРИКОВ  
тўйлаб.

Автокорхона директори  
Муллажонов креслосида айла-  
ниб телефонда гаплашарди:

— Ҳеч ким келмади, де-  
гани Хўп, майли. Агар сўра-  
са айт, анави ишнинг тўғри-  
лиқ қўйди. Ўзи овера бўлиб  
юрмасин. Кейин, Неъматжон  
бир мена учрасин.

Эшик очилиб ўринбосари  
Сариев кирди. Муллажон  
трубочани қўйди-да, унга юз-  
ланди:

— Кел, Сариев. Ҳм?

— Шу, тагин шикоят-да,  
— деди Сариев афтини бу-  
риштирганча директор қар-  
шисига ўтираркан.

— Қанақа шикоят? — Ди-  
ректор бароқ қошларини чи-  
мирди.

— Анави 64-маршрутдаги  
автобусларнинг камлигини  
ёзишдики редакцияга. Вете-  
ранлар, Қаҳрамон оналар  
қўл қўйган, мана.

Директор шикоятни олиб  
бир кўз югуртиргач, димоғи-  
дан ашак қурти ёғилди.

— Уф, ҳамма закончилик  
шунақанги одаилардан чиқа-  
дида ўзи. Вей, Сариев, ўзинг  
ўйла, улар ишга бормаса,  
уйда оёғини ағдармашоти  
қили-б ётса, автобуснинг  
нима кераги бор, а? Лиқка-  
лиқка бозорга қатнаса керак-  
да. Ҳақиқий ишлайдиган  
одамлар оватини ейдилар,  
телевизорда қизикроқ кино  
бўлмаса, хурракии варанла-  
тади. Тирноқ остида кир  
қидириб, қороз исроф қилиш-  
га вақти қайда. Анавиқан-  
гилар рўчкани босиб-босиб

ёса, хумордан чиқса керак-  
да. — Ҳақ гапни айтингиз, —  
деди Сариев қора-қизил  
бўйинини ширт-ширт қашла-  
ркан.

— Бу, кўпчиликка ёқиб  
қийин-да, Сариев, — дея га-  
пида давом этди директор.  
Уларга қолса, ҳаммасига бит-  
тадан қора «Волга» ажрат-  
санг, шофёри билан.

— Хў-ўш, «Редакцияга...  
Бизнинг автокорхонамизда

ҳм, шикоятга жавоб бериш  
керак.

— Қандай жавоб ёзамиз?  
— Хўш, шундай деб ёз  
«Редакцияга...»

Сариев ҳар бири бармоқдай  
келадиган ҳарфлар билан  
«Редакцияга» сўзининг рас-  
мини чиқди.

— Хў-ўш, «Редакцияга...  
Бизнинг автокорхонамизда

фалонча автобус бўлиб, ой-  
лик ва йиллик планларни  
110—120 фоиз қилиб ба-  
жармоқдамиз. Шофёрлар  
орасида тартиб-интизом жу-  
да яхши қўйилган. Лекин  
шунга қарамай, онда-сонда  
бўлса-да, айрим майда ну-  
сонлар учраб туради. Жум-  
ладан, 64-маршрутдаги ав-  
тобусларнинг нормадангидан  
бир оз камлиги тўғрисида. Бунга  
сабаб, эҳтиёт қисмлар етиш-  
майди. 10 та автобуснинг  
бўғулиб ётиди...

Сариев ёзишдан тўхтаб  
қолди ва бошини кўтарди.

— Бу жавоб бўлмайди, —  
фалонча автобус бўлиб, ой-  
лик ва йиллик планларни  
110—120 фоиз қилиб ба-  
жармоқдамиз. Шофёрлар  
орасида тартиб-интизом жу-  
да яхши қўйилган. Лекин  
шунга қарамай, онда-сонда  
бўлса-да, айрим майда ну-  
сонлар учраб туради. Жум-  
ладан, 64-маршрутдаги ав-  
тобусларнинг нормадангидан  
бир оз камлиги тўғрисида. Бунга  
сабаб, эҳтиёт қисмлар етиш-  
майди. 10 та автобуснинг  
бўғулиб ётиди...

Сариев ёзишдан тўхтаб  
қолди ва бошини кўтарди.

— Бу жавоб бўлмайди, —

## Пиёз ҳақида...

Овқат тайёрлашда пиёзни ишлатмайдиган бирон-бир  
халқ топиламаса керак. Гомер пиёзнинг мўъжизакор афе-  
навий даволаш хусусияти ҳақида ёзган. Қадимий Мисрда  
касалларни пиёз билан даволашган. Пиёз таркибида ин-  
сон учун хавфли ҳар қандай бактерияни қириб ташлаш  
хусусиятига эга фитонцидлар бор. Пиёзнинг турлари кўп,  
лекин энг кўп ишлатиладиган пиёз бу кундалик рўзғори-  
мизда асқотадиган пиёз туридир. У овқатга ўзига хос қай-  
тарилмас таъм бағишлайди.

### Французча шўрва

400 грамм пиёзни ҳалқа  
шаклида тўраб, озгина ёғда  
қовуриг. Туз ва қалампир  
сепиғ, гўшт қайнаган бир

ярим литр сувни қуйиб, 15 ми-  
нутча қайнатиг. 4—6 парча  
оқ ноннинг ҳар иккала томони-  
ни сариёғда қовуриг. Шўрва-  
ни порцияларга бўлиб, чуқур-  
роқ тоғорчаларга қўйинг. Ҳар  
бир идишга қовурилган нон  
булакларидан солинг. Нон бў-  
лакларига қирғида қирилган  
пишлоқ сепиш мумкин.

### Билиб қўйган яхши

▲ Пиёзни қовуришдан ол-  
дин у сепангиз пиёз кумай-  
ди, ранги чиройли бўлади.

▲ Шўрвадаги новотранг  
бўлиш учун озгина ювилган  
қизил пиёз пўсти қўйиш керак.

▲ Қозондан пиёз хидини  
кеткизиш учун қизиган қозон-  
га озгина чой шамаси сепиш  
киёф.

▲ Пиёз тўғрашдан олдин  
пиқочини совуқ сувга ботириб  
олсангиз қўзингиз аччиқмайди.

М. НАВРУЗОВА.

### Чўмилиш баҳоси

Канаданинг шимоли-ғарби-  
даги Форт-Провиденс шаҳри-  
да тозаланин сақлашнинг  
ажиб усули қўлланилмоқда.  
Шаҳарликларнинг энг севи-  
ли дам олиш жойларидан би-  
ри ачинч Арктика шамол-  
ларидан яхши ҳимояланган  
замонавий бассейндир. Ўнга  
кириш билетини шаҳар қў-  
ларидан йиғиб олинган маъ-  
лум миқдордаги ахлат ўтай-  
ди.

### Муаллифи тегирмончи

1734 йили чех тилида гео-  
метрияга онд дарслик боси-  
либ чиқди. Унинг муаллифини  
прагалтик тегирмончи И. Ве-  
селли эди. Бунинг ҳеч ажа-  
бларини жойи йўқ, у даврлар-  
да тегирмончилар донни ян-  
чибгина қолмай, тўғон, тегир-  
мон ва бошқа иншоотларни  
қуриб, қўпичча ўзлари кон-  
структорлик қилишган-да.

### Дам олиш соатида

## «КОСМОНАВТИКА ЙИЛНОМАСИ» КРОССВОРДИ

Азиз оқшомон! Қуйида таъриф этилган саналарни топиб  
шаклга рақамлар билан ёзиб чиқиб орқали кроссвордин ҳал  
этинг.

Чапга: О — Биринчи Ер сунъий йўлдоши «Спутник» учирил-  
ган йил. Р — Биринчи космонавт аёл парвоз этган йил. Б —  
«Зонд — 1» космик кемаси учирилган йил. И — Дунёда  
биринчи илмий орбитал станция — «Салют» учирилган йил.  
Т — «Прогресс» транспорт кемаси учирил бошланган йил.  
А — Куба космонавти Арнальдо Томайо Мендес парвоз эт-  
ган йил.

Унгга: О — Ю. Гагарин парвоз этган йил. Р — Л. Леонов  
илк бор очик космосда кузатувлар олиб борган йил. Б —  
«Луноход» Ой юзасига қўндирилган йил. И — «Союз»  
«Аполлон» биргаликда парвоз этган йил. Т — Космонавт аёл,  
С. Савицкая иккинчи мартаба парвоз этган йил. А — В. Жо-  
нибеков бешинчи мартаба космосга учган йил.

Тузувчи: О. ФОЗИЛОВ.



Ориф ФАРМОНОВ.

### Бувижон, ўқиб беринг

### ОЛМА

Яхшиқай олмани,  
Олим уйда ўйнайди.  
Ўйинчоғи йўқ деманг  
Фақат уни санайди.  
Бир, икки, саккиз, ўнбир...  
Ўн уз ҳаммаси ўнга.  
Адашса-да, бирча-бир  
Санайди қайта-қайта.  
Шаринг экан олмалар.  
Ёйлиб тугаб қолар.  
Ўтагучча Олим ҳам  
Хисобин билиб олар.

### ЎТКИР

Ниҳол шохини кесиб  
Ўткир.  
Мақтанди: — Пичоғим  
«Ўзр», ўткир!  
Дўстлари ишига қулишди:  
— Кесмасдинг ақлинг бўл-  
са ўткир.  
Анвар МИРЗАЕВ.

### МАЙНА

Болақар жовдираб деди:  
— Додачи, дада опамлар куш  
бўлибди-я...  
— Қандай қилиб?  
— Улар-чи, сенинг ноҳуш  
қилиқларингдан мактабнинг  
кўпчиликлка «майна» бўлдим,  
деб акамини уришдилар.

### УХЛАШЯПТИМИ?

Боғчадан қайтган Жамшидга  
оқаси йўлкада тайинлади:  
— Болақоним, тўпалон қил-  
магин-а, уйда меҳмонлар бор.  
— Ойижон улар ухлашяпти-  
ми?

### НОРИН

Ота кундаликини кўздан ке-  
чира туриб, ўғлини сўроққа  
тутди:  
— Географиядан нима учун  
ёмон баҳо олдинг?  
— Уқитувчимиз харитани кўр-  
сатиб, Норинни топиб бер де-  
дилар.

— Топиб бера олмадингми-  
а?  
— Аввалга роса изладим,  
кейин эсимга тушиб қолиб но-  
рин харитада эмас, уйда бўла-  
ди, меҳмонлар келганде пи-  
риллади, дедим.

ФОЗИЛЖОН ОРИПОВ.

ФОЗИЛЖОН ОРИПОВ.



